

## Мусулмон умматига ихтилоф ва тафриқа солаётганлар



14:26 / 24.10.2024 1456

Мустабид коммунистик тузум динга қарши курашиб, миллионлаб одамларнинг ҳаётини пароканда қилгани барчамизга маълум. Аммо даҳшатли аҳволга тушиб қолгач, ноилож динга қайтишга, оилавий ҳаётда, иқтисодий турмушда маълум бир низомларга амал қилишга мажбур бўлди.

Олдимизда икки йўл бор: ё динни инкор қилиш, ё динга эргашиш. Динни инкор қилган давлатлар қадимда ҳам бўлган, ҳозир ҳам бор. Бунинг натижасида улар қандай қийинчилик ва муаммоларга дуч келгани барчамизга маълум.

Шу боис динга жуда катта эҳтиёж бор. Аллоҳга иймон келтиришдан, динга эътиқод қилишдан бошқа чора йўқ! Инсоният динга ниҳоятда муҳтож ва

ундан ҳеч қачон беҳожат бўлмайди. Динсиз жамиятда, давлатда, оилада ва шахсда катта машаққатлар, улкан муаммолар юзага келади.

Бундай муаммоларнинг энг оғири – бугунги кунда мусулмон умматига ихтилоф, тафриқалар солинаётганидир. Мўмин-мусулмонларни зимдан бир неча тоифага ажратиб, шу тариқа умматнинг бирлигига рахна солинмоқда. Биз ҳозир бундай тоифаларнинг икки асосий белгисини айтиш билан кифояланамиз. Бу – таҳаллул ва ташаддуддир, яъни ўта енгил олиш ва ўта қаттиқ олиш. «Таҳаллул мактаби» динни енгил санаб, унга енгил-елпи амал қилишга чақиради. «Ташаддуд мактаби» эса ўта чуқур кетиб, қаттиқ ушлашни, мутаассибликни ёқлайди. Демак, уларнинг бири динда фақат осон йўлни, енгил йўлни танлашга чақирса, бошқаси фақат қаттиқ туриш тарафдори. Бу жуда чуқур ўйланган усул, чунки одамларнинг табиати шундай: бир тоифа енгилликни ёқтирса, иккинчиси қаттиқ туришни ёқлайди. Аммо учинчи йўл ҳам бор бўлиб, бугунги кунда мана шу уч мактаб, яъни уч йўналиш шаклланган. Ҳанафий фикҳига кириш айнан шуни ўрганишдан бошланади. Мазкур уч йўналиш юқорида айтиб ўтилган «ташаддуд», яъни таассубона қаттиқ туриб олиш йўналиши, «таҳаллул», яъни енгил-елпи амални ёқлаш йўналиши ҳамда бу икки йўлнинг ўртаси – «тавассут», яъни мўътадиллик йўналишидир. Мазкур икки йўналиш мустамлакачилик таъсирида пайдо бўлган. Учинчи, мўътадил мактаб эса соф Исломни авлоддан авлодга етказиб келаётган мактабдир. Бу ҳақ мактабдир, ҳақни гапирувчи мактабдир. Ўз-ўзидан савол туғилади: «Нега айнан шу мактаб ҳақ? Бундан бошқаси ҳам ҳақ бўлиши мумкин-ку? Айнан шу мактаб ҳақлигига далилингиз борми?» Биз Қуръонга иймон келтираемиз. Қуръонда **«Зикрни Биз нозил қилдик ва уни Ўзимиз муҳофаза қиламиз»** деган оят бор. Демак, Аллоҳ таоло бу динни Ўзи муҳофаза қилади. Ким бунга шубҳа қилса, кофир бўлади, Қуръонни ёлғон деган бўлади. Хўш, Аллоҳ таоло бу диннинг сақланиб қолишига қайси йўлни сабаб қилди?

«Сизлар инсонлар учун яратилган энг яхши уммат бўлдингиз» деган оятни эсланг. Мусулмонларнинг 90 фоизи Аҳли сунна мазҳабида экан, «Мазҳаблар ҳақ йўлда эмас» десак, инсоният учун яратилган энг яхши уммат бўлмай қоламиз-ку! У ҳолда ҳолатимиз Қуръондаги ушбу оятга тўғри келмай қолади.

Аҳли сунна сифатида, мусулмон уммати сифатида инсонлар учун яратилган энг афзал уммат бўлмасак, унда бизнинг бу сифатимиз қаерда қолади? Биз бутун Ислом тарихи давомида тўрт фикҳий мазҳабга, икки

ақийдавий мазҳабга ва тасаввуф мазҳабларига эргашиб келдик.

Шундан келиб чиқадик, Аҳли сунна ҳақ йўл экан. Аллоҳ бу динни мана шу фикҳий мазҳаблар воситасида муҳофаза қилиб келди.

**«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.